

ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА ОЗИҚ-ОВҚАТ БОЗОРИ ВА УНИНГ МИНТАҚАВИЙ ФАОЛИЯТИ

Сотволдиев Нодирбек Жўрабаевич,
НамДУ докторанти, и.ф.н.
E-mail: nodirbek.s@umail.uz

Аннотация: Мақолада Фарғона водийси минтақаларининг озиқ-овқат бозори ва унинг фаолиятига таъсир этувчи ижтимоий-иқтисодий омиллар таҳлил қилинган, минтақавий жиҳатдан баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилган, бозор механизмларини такомиллаштириш билан боғлиқ илмий хулоса ва амалий тавсиялар берилган.

Аннотация: В статье анализируются социально-экономические факторы, влияющие на продовольственный рынок и его деятельность в Ферганской долине, разработаны региональные критерии оценки и сделаны научные выводы и практические рекомендации по совершенствованию рыночных механизмов.

Annotation: The article analyzes the socio-economic factors affecting the food market and its activities in the Ferghana Valley, developed regional evaluation criteria and made scientific conclusions and practical recommendations for improving market mechanisms.

Калит сўзлар: озиқ-овқат бозори, саноат, маҳсулот, минтақа, мажмуа, коэффициент, жойлаштириш, иқтисослашув.

Кириш

Мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожланишини таъминловчи чоратadbирларни ишлаб чиқишда озиқ-овқат бозорининг тадқиқот натижалари муҳим аҳамият касб этади. Чунки, озиқ-овқат бозори ва унинг фаолият механизмини такомиллаштириш ижтимоий-иқтисодий вазият, табиий-иқтисодий салоҳият, мамлакат ва алоҳида минтақалар аҳолисининг тўлов қобилияти, миллий бозорнинг импортга қарамлик даражаси, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, агросаноат мажмуасининг ривожланиши каби бевосита таъсир этувчи омиллар билан узвий боғлиқ. Шу жиҳатдан, озиқ-овқат бозори миллий иқтисодиётда муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлиш билан бирга давлатнинг иқтисодий мустақиллигини белгилаб берувчи асосий шартлардан биридир. Бу бир томондан, агросаноат ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришга, иккинчи томондан, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлиги ва аҳоли даромадларини ошириш билан боғлиқ бўлган макроиқтисодий муаммоларни ҳал этиб борилишига асосланади. Шунинг учун муаммолар ечимини ишлаб чиқишда бозор механизмлари билан биргаликда давлатнинг минтақавий сиёсатини уйғунлантириш зарурати ва имкониятларини эътиборга олиш зарур.

Бу борада Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек, «...ишлаб чиқариш қувватлари ҳар бир вилоят, туман ва қишлоқда барпо этилиши даркор. Бу нафақат ишлаб чиқаришнинг янги ҳажмлари ва ялпи ички маҳсулотни ошириш, аввало озиқ-овқат ишлаб чиқаришни кўпайтириш имконини беришини аниқ-равшан тушуниб олишимиз зарур. Чунки озиқ-овқат маҳсулотларига эҳтиёж ҳамisha юқори бўлиб, бу эҳтиёж бундан буён ҳам ортиб боришига шубҳа йўқ» [1].

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Фарғона водийси минтақаларида озиқ-овқат бозори ва унинг самарали фаолият кўрсатишига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш, минтақавий жиҳатдан баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш, бозор механизмларини такомиллаштириш билан боғлиқ илмий ва амалий муаммоларни тадқиқ этиш ва унинг ечимларини ишлаб чиқиш зарурати танланган мавзунинг долзарблигини ифодалайди.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили

Озиқ-овқат бозори инсоният тарихий тараққиётининг муҳим омили бўлиб, унинг фаолиятини умумназарий ва методологик асослари хорижий ва мамлакатимиз олимларининг илмий тадқиқотларида акс этган. Озиқ-овқат бозори шаклланиши ва ривожланишининг тадқиқ этиш йўналишларини бир неча гуруҳларга ажратиш мумкин: назарий ва методологик тадқиқотлар; давлат томонидан бошқариш масалалари; ташкилий-ҳуқуқий ва институционал жиҳатлари; агромаркетинг масалалари; озиқ-овқат истеъмолини баҳолаш кўрсаткичлари; агросаноат мажмуаси сифатида; минтақавий бошқарув масалалари; алоҳида сегментлар доирасида ва бошқалар. Ушбу тадқиқотларда умумбашарий ва иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши ҳамда ўз даврига хос бўлган бозорнинг моҳияти, қонуниятлари, назария ва концепциялари ишлаб чиқилган.

Жумладан, О.Абдуллаевнинг минтақавий тадқиқотларида ҳудуд бири-бирини тўлдирувчи ишлаб чиқариш-тақсимлаш-айирбошлаш-истеъмолдан иборат босқичларни ўз таркибига олган ягона жараён дидир. Бу ҳолатда бозор боғловчи вазифани бажаради ва бир минтақа доирасида ишлаб чиқариш, истеъмолчи эса иккинчи минтақада бўлиши мумкин [2]. А.Қаюмовнинг фикрича, минтақавий бозорнинг аста-секин шакллана бориши минтақа иқтисодиётининг баланслашганлигини яхшилашга имкон беради [3]. А.Солиевнинг фикрича, мамлакат ичида ҳудудий меҳнат тақсимотини тўғри йўлга қўйиш, район ва вилоятлар орасида соғлом рақобат муҳити, фаол иқтисодий интеграция жараёнларини ривожлантириш, турли ҳудудий босқичдаги – маҳаллий, минтақавий, минтақалараро, миллий бозорларни шакллантириш ҳозирги даврдаги ниҳоятда долзарб вазифалардир [4]. Ушбу тадқиқотларда минтақавий иқтисодиётнинг бозор билан боғлиқ хусусиятлари ўрганилган бўлиб, Фарғона водийсини иқтисодий районлаштириш нуқтаи-назаридан таҳлил этилган.

Шунингдек, Ф.Т.Эгамбердиев олиб борган тадқиқотлар агросаноат ишлаб чиқаришини минтақавий хусусиятларига қаратилган бўлиб, озиқ-овқат истеъмолини баҳолаш кўрсаткичлари ҳамда оилаларнинг харид баланс ҳисоб-китоблари учун услубий ёндашувлар ишлаб чиқилган [5]. Ҳ.Абдулқосимовнинг тадқиқотлари миллий даражада озиқ-овқат хавфсизлигини ва аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш масалалари таҳлил қилинган [6].

Айни пайтда Ўзбекистон шароитида озиқ-овқат бозорининг айрим тармоқ йўналишларида қуйидаги тадқиқотларни кузатиш мумкин:

- мева ва сабзавотлар етиштириш кўрсаткичлари, экспорт имкониятлари, ташқи бозорга чиқишга тўсиқ бўлаётган муаммолар, ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш ҳажмига таъсир кўрсатувчи ташқи омиллар таҳлили [7];

- фермер хўжаликларида мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш ва экспорт қилиш тизимини ташкил этиш, имтиёзлар бериш билан боғлиқ оптималлаштириш усуллари [8];

- бозор талабларига мувофиқ озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг қўшимча қувватларини ва саноат корхоналарини жойлаштириш [9];

- узум етиштириш тармоғининг жаҳон бозори талабларига мослашиб боришини таъминлаш, қайта ишлаш саноатини модернизация қилиш, экспорт жараёнининг ташкилий-иқтисодий механизми ва ҳуқуқий-меъёрий базасини мустаҳкамлаш [10];

- боғдорчилик ва узумчилик маҳсулотларини сотишга бир бутун тизим сифатида ёндашиш ва бундаги барча жараёнларни комплекс тарзда йўлга қўйиш, уларни бир-бирига мутаносиблигини таъминлаш [11];

- жаҳон озиқ-овқат бозоридаги умумий ҳолатдан келиб чиқиб, ҳар бир мамлакат ўзининг иқтисодий мустақиллигини таъминлаши, Ўзбекистонда давлат ғалла захираларини шакллантириш ва тақсимот тартибининг ўзгартириш масалалари [12].

Ушбу тадқиқотлар тармоқ хусусиятига эга бўлиб, умумийлик касб этади. Ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар ва натижалар ҳам умумий ҳулосаларга асосланган. Ижтимоий-иқтисодий натижаларни вилоятлар даражасида таҳлил қилиш эса миллий иқтисодиётни шаклланишида минтақаларнинг аҳамияти, салоҳияти, имкониятлари, фаоллиги ва муаммоларини очиқ беради.

Фикримизса, иқтисодиётни ривожланиши фақат тармоқ принципига асосланиши кутилган натижани бермайди. Озиқ-овқат бозорининг амал қилиш механизмининг такомиллаштириш ҳам тармоқ даражасидан минтақалараро алоқалар даражасига кўчиши билан боғлиқ. Бунда барча ижтимоий-иқтисодий натижалар минтақа ёки вилоят даражасида акс этади. Шу нуқтаи-назардан минтақаларнинг салоҳияти ва имкониятларидан келиб чиқиб товар оқимларини такомиллаштириш тақозо этилади. Бундай шароитда минтақаларни ихтисослашувини ўрганиш, салоҳият ва муаммоларини таҳлил

қилиш, ривожланишнинг устувор йўналишларини аниқлаш каби тадқиқотлар талаб этилади.

Тадқиқот методологияси

Мазкур ишда озиқ-овқат бозорини тавсифловчи бир қанча иқтисодий ва минтақавий тадқиқот усулларида фойдаланилди. Жумладан, ҳудудий таҳлил, тизимли ёндашув, иқтисодий-математик ва иқтисодий-статистик таҳлиллар, таққослаш, мувофиқлаштириш каби тадқиқот усуллари алоҳида ўрин тутди. Бундай усуллар Фарғона водийси минтақаларида ўрганилаётган ҳодиса ва жараёнларни ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда тадқиқ қилиш ва хулоса чиқариш имконини берди. Бундан ташқари, минтақавий тараққиётни башоратлашнинг методологияси сифатида 16 йилгача бўлган даврни қамраб олувчи меҳнат тақсимоли ва уни ривожланишининг ретроспектив таҳлили олиб борилди. Шунингдек, бозор ҳажмини баҳолаш ва ўзгаришлар тенденциясини таҳлил қилишда маркетинг тадқиқотларидан ҳам фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Озиқ-овқат бозорининг асосий муаммолари мамлакат миқёсида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмлари, минтақалар бўйича жойлаштирилиши ва агросаноат мажмуасидаги бошқа вазиятлар билан белгиланади. Мазкур муаммонинг тадқиқ этиш озиқ-овқат бозори фаолияти билан бевосита ва билвосита боғланган ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларнинг мажмуали таҳлилига асосланади. Бу эса минтақаларда ижтимоий-иқтисодий муаммоларни келиб чиқиш сабаблари, оқибатлари ҳамда ечимларини илмий асослаш ва амалиёт учун зарур хулосалар чиқариш имконини беради.

Жумладан, Фарғона водийсида табиий-иқтисодий компонентлар ўзаро боғлиқ бўлиб, тарихий жиҳатдан яхлит иқтисодий тизим сифатида ўрганилган ва уни қўйидагилар билан изоҳлаш мумкин:

- Қўқон хонлиги, чор Россиясининг мустамлакачилик даври ва собиқ Иттифоқда ягона бошқарув тизимига асосланган иқтисодий районлаштириш амалга оширилган ҳамда ишлаб чиқариш кучлари жойлаштирилган. Бу даврда Қирғизистон Республикасининг Боткен, Жалолобод ва Ўш вилоятлари, Тожикистон Республикасининг Сўғд вилояти ҳам Фарғона водийси таркибига киритилган;

- ягона табиий ҳудудий бирликларни ташкил қилиш ҳамда умумий хўжалик ихтисослашувини амалга ошириш мақсадида 1941 йилда Фарғона вилояти ҳудудида Наманган ва Андижон вилоятлари тузилди. 1960 йилда Наманган вилояти Андижон вилоятига қўшиб юборилган ва 1967 йилда қайта тикланган. Бу эса Наманган вилояти ҳудудида ишлаб чиқарувчи кучлар тараққиётига салбий таъсир кўрсатди ва ривожланиш даражаси жиҳатдан қўшни Андижон ва Фарғона вилоятларига нисбатан орқада қолишига олиб келди;

- ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришнинг тарихий-иқтисодий жиҳатлари Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида рельеф тузилишига мос қишлоқ хўжалиги ихтисослашувининг умумий йўналишига ҳамда

чорвачилик тармоқларига нисбатан деҳқончилик устун даражада ривожланишига олиб келган;

- агроиқлимий омилларни яхлитлик ҳолатини ҳисобга олган ҳолда иқтисодиёт тармоқларининг ихтисослашуви белгиланган;

- сув ресурсларининг умумийлиги асосида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ташкил этилган;

- бугунги кунда қишлоқ хўжалигини экстенсив ривожлантириш имкониятлари тугаган.

Фарғона водийсида ер-сув ресурслари чекланган, аммо аҳоли сони ва унинг ўсиши юқори кўрсаткичларга эга. Ушбу номувофиқлик асосий ижтимоий-иқтисодий муаммоларни вужудга келтиради. Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг 4,1 фоизини ташкил этиб, жами аҳоли ва иш билан бандликда 28,5 фоиз улушга эга. Мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 17,1 фоизини, саноатнинг 17,4, қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 26,7, истеъмол товарларининг 22,9 ва чакана савдонинг 22,4 фоизини таъминлайди. Фарғона водийсида иқтисодий ландшафт деярли бир хил бўлишига қарамай ушбу вилоятларнинг ҳудуди, аҳоли сони ва зичлиги, иқтисодиёт тармоқларининг ихтисослашуви ва ижтимоий-иқтисодий тараққиёти бир-биридан фарқ қилади. Жумладан, ҳудуд бўйича энг юқори кўрсаткич Наманган вилоятида, иқтисодий салоҳият Андижонда, демографик ва иқтисодий салоҳият Фарғона вилоятида юқори. Айтилиши мумкин, нафақат водийда, балки республикада ҳам Наманган вилояти нисбатан суғуртилган минтақа ҳисобланади (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларида Фарғона водийси минтақаларининг улуши (2016 йил, фоиз)¹

№	Кўрсаткичлар	Фарғона водийси	Андижон вилояти	Наманган вилояти	Фарғона вилояти
1	Ҳудуди	4,1	0,96	1,6	1,5
2	Аҳоли	28,5	9,2	8,2	11,1
3	Иш билан банд аҳоли	28,5	9,7	7,5	11,3
4	Ялпи ички маҳсулот	17,1	5,7	4,4	7,0
5	Саноат ишлаб чиқариш	17,4	7,1	3,1	7,2
6	Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш	26,7	11,0	7,4	8,3
7	Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш	22,9	11,0	5,0	6,9
8	Чакана савдо	22,4	7,7	6,0	8,7
9	Улгуржи савдо	12,6	3,2	3,5	5,9
10	Жами хизматлар	16,3	5,4	4,5	6,4

Фарғона водийси яхлит табиий ва ижтимоий-иқтисодий тизим сифатида кўп тармоқли ишлаб чиқариш соҳалари, меҳнат тақсимоти ва минтақалараро бозор алоқаларининг мураккаблиги билан ажралиб туради. Қўлай

¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган

агроиклимий омиллар сертармоқ ва интенсив қишлоқ хўжалигини, табиий ва меҳнат ресурслари саноат тармоқларини ривожлантириш имконини беради.

Саноат ихтисослашувида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш асосий ўрин тутди. Озиқ-овқат саноатида Андижон, Наманган, Фарғона, Қўқон, Марғилон, Учқўрғон, Поп, Асака, Қува, Шаҳрихон, Бешариқ ва бошқа шаҳарлар етакчилик қилади. Қишлоқ хўжалигида эса чорвачиликка нисбатан деҳқончилик устун ривожланган. Пахтачилик билан боғлиқ қайта ишлаш саноати етакчи мавқени эгаллайди. Шунингдек, ғаллачилик, боғдорчилик-узумчилик, полизчилик, сабзавот ва картошка етиштириш, сут-гўшт йўналишидаги чорвачилик, паррандачилик алоҳида аҳамият касб этади. Паррандачилик соҳаси тухум ва гўшт-броллер йўналишида бўлиб, бошқа тармоқларга нисбатан саноат асосида ривожланган. Йилқичилик ва чўчқачилик тармоқлари эса бир қатор омиллар таъсирида ривожланмаган. Такрорий, оралиқ, қатор оралиғи экинларини экиш ҳисобидан чорва моллари ва паррандаларни мустаҳкам озуқа базаси таъминланмоқда. Асосий турдаги чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмида деҳқон ва аҳоли хўжаликлари, деҳқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда фермер хўжаликларининг улуши юқори кўрсаткичга эга. Хизматлар соҳаси ҳам иқтисодиётнинг барқарор ривожлантириш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш ва самарали бандлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Хизматлар соҳасининг ривожланиши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан таъминланмоқда. Айниқса, саноати ривожланган Фарғона вилоятида хизматлар соҳаси юқори улушга эга бўлмоқда.

Умуман, ялпи ҳудудий маҳсулотининг тармоқ таркибида қишлоқ хўжалигининг улуши Андижон (33,5 фоиз) ва Наманган (29,7 фоиз) вилоятларида, саноат (30,7 фоиз) ва хизматлар соҳасининг (51,0) улуши Фарғона вилоятида юқори кўрсаткичга эга. Фарғона вилоятини ялпи ҳудудий маҳсулоти тармоқ таркиби республиканинг ўртача кўрсаткичлари даражасида эканлигини ҳам кузатиш мумкин (2-жадвал).

2-жадвал

Фарғона водийси минтақалари ялпи ҳудудий маҳсулотининг тармоқ таркиби (2016 йил, фоиз)²

№	Минтақалар	Саноат	Қишлоқ хўжалиги	Хизматлар
1	Андижон вилояти	22,4	33,5	44,1
2	Наманган вилояти	20,9	29,7	49,4
3	Фарғона вилояти	30,7	18,3	51,0
	Ўзбекистон Республикаси	32,6	17,6	49,5

Минтақа иқтисодиётининг тармоқ таркиби ва ихтисослашуви, табиий шароити ва ресурслари, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектлари, демографик вазият ва меҳнат салоҳияти билан боғлиқ ҳолда Фарғона водийси минтақаларининг озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш

² Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган

ҳажмида фарқлар мавжуд. Тадқиқот доирасида ушбу жараёни ретроспектив таҳлил қилиш учун II та босқич белгиланди. Бунда I босқич 2000-2010 йиллар ёки 10 йилда, II босқич 2010-2016 йиллар ёки кейинги 6 йилда эришилган натижалар акс этади. Бу эса узоқ муддатга мўлжалланган стратегик дастурлар, яқин ва ўрта муддатга қаратилган концепциялар, доимий амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг моҳиятини очиб беради (3-жадвал).

3-жадвал

Фарғона водийси минтақаларида айрим озиқ-овқат маҳсулотларининг ишлаб чиқариш ҳажми (минг тонна)³

Маҳсулот тури	Минтақа	2000 йил	2010 йил	2016 йил	I босқич		II босқич	
					2010 йилда нисбатан, марта	2000 йилга нисбатан, марта	2016 йилда нисбатан, марта	2010 йилга нисбатан, марта
Картошка	Андижон	64,6	169,5	316,8	2,6		1,8	
	Наманган	79,9	152,8	263,2	1,9		1,7	
	Фарғона	82,6	170,1	304,4	2,0		1,7	
Сабзавот	Андижон	342,0	861,7	1596,2	2,5		1,8	
	Наманган	282,2	439,4	721,7	1,5		1,6	
	Фарғона	268,7	459,4	867,1	1,7		1,8	
Гўшт (тирик вазнда)	Андижон	55,3	91,9	134,0	1,6		1,4	
	Наманган	53,6	81,5	125,0	1,5		1,5	
	Фарғона	64,0	98,1	148,0	1,5		1,5	
Сут	Андижон	334,7	540,9	892,6	1,6		1,6	
	Наманган	262,4	348,9	637,4	1,3		1,8	
	Фарғона	377,5	588,8	909,6	1,5		1,5	
Тухум (млн. дона)	Андижон	96,8	226,9	532,3	2,3		2,3	
	Наманган	39,5	99,6	423,3	2,5		4,2	
	Фарғона	84,0	179,6	349,9	2,1		1,9	

3-жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, танламага киритилган 5 хил турдаги озиқ-овқат маҳсулотларининг ишлаб чиқариш ҳажмлари ва ўсиш суръатларидаги юқори кўрсаткичлар Андижон вилоятида кузатилади. Айниқса, сабзавот етиштириш 2000 йилда 342,0 минг тонна, 2010 йилда 861,7 тоннани ташкил этган бўлса, 2016 йилда 1596,2 минг тоннага етди ёки I босқичда 2,5 марта ва II босқич давомида 1,8 марта ўсди. Ушбу кўрсаткич бўйича Андижон вилояти нафақат водийда, балки республикада ҳам биринчи ўринда туради. Гўшт ва сут ишлаб чиқариш ҳажмида Фарғона вилояти бир мунча юқори кўрсаткичга эга. Наманган вилояти тухум етиштириш соҳасида ўсиш суръатлари (2,5 ва 4,2 марта) устунлиги билан тавсифланади. I ва II босқич ўсиш суръатларининг ўртасидаги фарқни юқори эмаслиги кейинги 6 йилда озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўзини-ўзи таъминлаш сиёсати ва қишлоқ хўжалигидаги институционал ислохотлар натижаси сифатида изоҳлаш мумкин.

Маълумки, ички ишлаб чиқариш имкониятларини сафарбар қилиш ҳисобига минтақалараро товар ҳаракатининг такомиллашуви мамлакатни озиқ-

³ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

овқат билан ишончли таъминлашнинг зарур воситаси бўлиб майдонга чиқади. Ушбу боғлиқлик бир минтақадан бошқасига озик-овқат оқимларида намоён бўлади. Иқтисодий алоқаларни ривожлантириш асосида маҳсулотнинг етишмаётган турларини ишлаб чиқариш ва минтақа эҳтиёжлари таркибига йўналтирилган озик-овқат ресурсларини оқилона тақсимлаш бозорни ҳаракатлантирувчи кучи бўлади. Бунда маҳсулотнинг муайян турларини четдан олиб келувчи ва четга чиқарувчи минтақа учун ўзини-ўзи таъминлаш коэффиценти муҳим аҳамият касб этади. Ишлаб чиқариш ҳажмини аҳоли сонининг минимал истеъмол бюджети меъёрларига нисбати бўйича коэффицент 1 га тенг бўлса тўлиқ ўзини-ўзи таъминланганликни, 1 дан паст коэффицент маҳсулот етарли эмаслигини ва 1 дан юқориси маҳсулотнинг ортиқчалигини билдиради.

Жумладан, ушбу коэффицент орқали Фарғона водийси минтақаларининг 2000 йилдаги картошка, сабзавот, гўшт ва тухум ишлаб чиқаришида ўзини-ўзи таъминлай олмаганини кузатиш мумкин. 2010 йилда Андижон ва Наманган вилоятларида картошка ва сабзавот етиштириш коэффиценти 1 га тенглашди. Айниқса, 2016 йилда Андижон вилоятида сабзавот етиштиришнинг 3 дан юқори коэффиценти иссиқхоналар ва ер ресурсларидан самарали фойдаланиш билан изоҳланади. Сут етиштириш соҳасида уй хўжаликлари улушининг юқорилиги 2000-2016 йилларда ҳам 1 дан юқори коэффицентни таъминлаган. Лекин, 2010-2016 йилларда гўшт ва тухум етиштиришнинг ўзини-ўзи таъминлаш коэффиценти 1 дан паст бўлмоқда (4-жадвал).

Ушбу ҳисобланган коэффицент аҳолининг минимал истеъмол бюджети меъёрларига нисбатан минтақанинг қуйидаги таъминот даражасини белгилаб беради:

- 2000 йилда картошка етиштириш Андижонда 76,1 минг тонна, Наманганда 44,1 минг тонна ва Фарғонада 88,7 минг тонна кам бўлган, 2016 йилда мос равишда 128,7 минг тонна, 94,7 минг тонна ва 78,0 минг тонна ортиқча ишлаб чиқарилган;

- 2016 йилда Андижонда 1088,1 минг тонна, Наманганда 266,8 минг тонна ва Фарғонада 255,7 минг тонна сабзавотнинг ортиқча ишлаб чиқарилиши экспорт имкониятларини кенгайтиради;

- 2000-2016 йилларда сут етиштириш соҳасидаги маҳсулотнинг ортиқчалиги қайта ишлаш корхоналарининг ривожланишига олиб келмоқда;

- 2016 йилда Наманган вилояти гўшт билан ўзини-ўзи таъминлаган бўлсада, Андижон вилоятида 1,09 минг тонна ва Фарғона вилоятида 14,5 минг тонна етишмаяпти;

- тухум етиштиришнинг таъминот даражасидаги фарқ ёки маҳсулотнинг етарли эмаслиги 2000-2010 йилларда миқдор жиҳатидан деярли ўзгармаган, 2016 йилда эса Андижонда 75,0 млн. дона, Наманганда 120,4 млн. дона ва Фарғонада 380,8 млн. донани ташкил этмоқда.

4-жадвал

**Фарғона водийси вилоятларида озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш
коэффициенти ва унинг даражасидаги фарқ⁴**

Маҳсулот тури	Минтақа	2000 йил	2010 йил	2016 йил	Таъминот даражасидаги фарқ, “-”, “+” минг тонна		
					2000 йил	2010 йил	2016 йил
Картошка	Андижон	0,459	0,999	1,684	-76,1	-0,2	128,7
	Наманган	0,644	1,012	1,563	-44,1	1,7	94,7
	Фарғона	0,482	0,829	1,345	-88,7	-34,9	78,0
Сабзавот	Андижон	0,900	1,880	3,142	-38,1	403,4	1088,1
	Наманган	0,842	1,077	1,586	-52,7	31,3	266,8
	Фарғона	0,581	0,829	1,418	-194,0	-94,4	255,7
Гўшт (тирик вазнда)	Андижон	0,547	0,754	0,992	-45,7	-29,9	-1,09
	Наманган	0,602	0,751	1,033	-35,4	-27,0	4,0
	Фарғона	0,520	0,666	0,910	-59,0	-49,1	-14,5
Сут	Андижон	1,266	1,696	2,525	70,3	222,1	539,2
	Наманган	1,126	1,229	2,014	29,4	65,0	320,9
	Фарғона	1,173	1,528	2,139	55,7	203,5	484,3
Тухум (млн. дона)	Андижон	0,213	0,414	0,876	-357,6	-320,9	-75,0
	Наманган	0,098	0,204	0,778	-361,0	-388,2	-120,4
	Фарғона	0,152	0,271	0,479	-469,0	-482,4	-380,8

Бундай ёндашув минтақанинг экспорт салоҳиятини ёки импортга эҳтиёжини аниқ ҳисоблаб беради. Озиқ-овқат билан ўзини-ўзи таъминлашда, қайта ишлаш корхоналарини жойлаштиришда ҳамда бир хил маҳсулотларнинг бир-бирига пешвоз равишда ташилишини олдини олишда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, минтақалараро товар оқимларининг прогнозларини ишлаб чиқишда қўлланма бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Умуман олганда, Фарғона водийси озиқ-овқат бозорининг таҳлили қуйидаги ижтимоий-иқтисодий натижаларга асосланади:

- Фарғона водийси тарихан яхлит иқтисодий тизим сифатида ўрганилган, шунга мос ишлаб чиқариш кучлари жойлаштирилган ва иқтисодиёт тармоқларининг ихтисослашуви белгиланган. Айни пайтда, иқтисодиётни эркинлаштириш ва бошқа интеграцион алоқалар доирасида истеъмолчилар ва ишлаб чиқарувчилар ўз минтақалари ташқарисига мустақил равишда чиқиб бормоқдалар;

- Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларида Андижон вилояти саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришдаги улуши,

⁴ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Фарғона вилояти ялпи ички маҳсулот, аҳоли сони, саноат ва хизматлар соҳасидаги улуши юқорилиги билан ажралиб туради. Наманган вилояти эса ҳудуди бўйича юқори улушга эга бўлиб, ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларнинг нисбатан паст даражаси сақланиб қолмоқда;

■ ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқ таркибида қишлоқ хўжалигининг улуши Андижон ва Наманган вилоятларида юқори кўрсаткичга эга. Фарғона вилояти ялпи ҳудудий маҳсулотининг тармоқ таркибида саноатнинг юқори улуши хизматлар соҳасининг ривожланишини ҳам таъминламоқда;

■ қулай агроиқлимий шарт-шароитлар картошка ва сабзавот етиштиришда икки марта ҳосил олиш имкониятини беради, ҳамда шаҳар атрофи хўжалигининг асоси ҳисобланади. Картошка ва сабзавот етиштиришнинг механизациялаш даражаси паст, ҳосилни йиғиштириш ва транспорт воситаларига юклаш қўл меҳнатига асосланган ҳамда иккинчи даражали соҳа бўлиб қолмоқда;

■ гўшт ва сут етиштириш таннархининг юқорилиги ва унинг пасайиши тенденцияси мавжуд эмаслиги мазкур тармоқда маҳсулотнинг асосий қисми деҳқон ва аҳоли хўжаликларида ишлаб чиқариш билан изоҳланади. Саноат асосида тухум етиштириш даромадли соҳага айланди ва ривожланиб бормоқда;

■ Фарғона водийси бошқа минтақаларга озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берувчи ҳудуд ҳисобланади. Лекин, коэффициентлар таҳлилида 2010 йилдан кейин минтақалар картошка, сабзавот ва сут маҳсулотлари билан ўзини-ўзи таъминлаган. Бугунги кунда гўшт ва тухум таъминоти бошқа минтақалар ёки импорт ҳисобидан қопланиши талаб этилмоқда.

Хулоса ва таклифлар

Фарғона водийси озиқ-овқат бозорининг таҳлили ва унинг натижалари асосида қуйидаги илмий-амалий хулосаларни ишлаб чиқиш мумкин:

■ озиқ-овқат бозори ўзининг савдо кўлами, агросаноат мажмуасидаги ўрни ва салмоғи, маблағларнинг доиравий айланишини таъминлаш бўйича минтақа иқтисодиётида ўзига хос мавқега эга бўлган тузилма сифатида шаклланимоқда;

■ Фарғона водийсида озиқ-овқат бозори йирик агросаноат ишлаб чиқариш асосига эгаллиги, таркибида кўп тармоқлар мавжудлиги ҳамда мажмуа ҳосил қилувчи омиллар таъсирининг юқорилиги ва ўзига хос ҳудудий ишлаб чиқаришнинг узвий боғлиқлиги билан ажралиб туради;

■ айти пайтда, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг миллий ва минтақавий бозор эҳтиёжига мос келиши, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва экспортга йўналтириш борасида бир қатор муаммолар мавжуд;

■ минтақавий бозорларда озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаб, нархни ўзгариши ва уни олдиндан кўра билиш, вилоятларда маҳсулотнинг муайян турини етиштиришда бозор механизмлари билан биргаликда давлатнинг минтақавий сиёсати талаб этилмоқда;

▪ ушбу талаблардан келиб чиққан ҳолда, деҳқончилик ва чорвачилик тармоқлари минтақалар бўйлаб табиий-иқтисодий шароитларни, аҳоли зичлиги ва алоҳида маҳсулот турларини ишлаб чиқаришни тўпланганлигини ҳисобга олиб жойлаштирилиши мақсадга мувофиқ;

▪ минтақаларнинг ички ишлаб чиқариши ҳисобига озиқ-овқат таъминотини яхшилаш ва озиқ-овқат хавфсизлиги учун минтақалараро айирбошлашни ҳисобга олган ҳолда зарур миқдорда маҳсулот ишлаб чиқариш интеграцион алоқалар йўналишини белгилаб бериши зарур;

Фарғона водийсида озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ва сотиш имкониятлари, озиқ-овқат бозорининг минтақавий нуқтаи назардан жойлашуви, ўлчамлари ва фаолият механизмларини такомиллаштириш юзасидан қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

▪ агросаноат мажмуаси учун қулай шароитга эга бўлган минтақаларни ажратиш;

▪ табиий-ижтимоий-иқтисодий шароитларни мажмуали таҳлил қилиш асосида алоҳида маҳсулотларни ишлаб чиқариш зоналари аниқлаш ва шу асосда озиқ-овқат бозорининг минтақавий сиғимини белгилаш;

▪ озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ихтисослашувини минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш манфаатларига мослаштириш;

▪ ташувчанлиги паст озиқ-овқат турларини истеъмол ва қайта ишлаш жойларига яқинлаштириш;

▪ ишлаб чиқаришнинг концентрацияси ва ихтисослашуви, янги ҳудудларни ўзлаштириш имкониятларини белгилаш;

▪ аҳолининг пул даромадларига мос равишда озуқа қиймати юқори маҳсулотлар – гўшт, сут, картошка ва сабзавот етиштиришни кўпайтириш ва бозор таклифини энг кўп равишда ана шу маҳсулотлар ҳисобига кенгайтириш.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – Б. 45.

2. Абдуллаев О. Минтақалар ва мамлакатлар иқтисодиёти. Монография.- Т.: Янги аср авлоди, 2009. 6-б.

3. Қажумов А., Назарова Ҳ., Эгамбердиев Ф., Якубов Ў. Минтақавий иқтисодиёт. Ўқув қўлланма. – Т.: ЎзМУ, 2004. 19-б.

4. Минтақавий иқтисодиёт. Ўқув қўлланма/ А.С.Солиев, Э.А.Аҳмедов, Р.Й.Маҳаммадалиев ва б.-Т.: Университет, 2003. 14-б.

5. Эгамбердиев Ф.Т. Региональные особенности развития агропромышленного производства в условиях либерализации экономики: Автореф. дис. ... док. экон. наук.-Т.: ЎзМУ, 2003. – 42 с.

6. Абулқосимов Х.П., Расулов Т.С., Мамарахимов Б.Э., Шарипов К.Б. Ўзбекистонда озиқ-овқат саноатини ривожлантириш истиқболлари// Ж. Ученый XXI века.-М.: 2016 № 5-4 (18). 77-82-б. [http://www.colloquium-publishing.ru/library/index.php/UCH21VEK/article/view/1732/1706.](http://www.colloquium-publishing.ru/library/index.php/UCH21VEK/article/view/1732/1706;);

Абдулқосимов Ҳ.П., Расулов Т.С. Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш йўллари.-Т.: Фан ва технология, 2015. – 88 б.

7. Қурбонов Ж.Қ., Зокиров Ш.Э. Ўзбекистоннинг мева-сабзавотчилик соҳасидаги салоҳиятидан янада кенгроқ фойдаланиш имкониятлари// ИЭЖ. Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар-Т.: 2016 № 4. http://www.iqtisodiyot.uz/sites/default/files/maqolalar/3_J_Qurbonov_Sh_Zokirov.pdf.

8. Абдувоҳидов А.А. Мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини оширишда фермер хўжаликлари фаолиятини ривожлантириш // Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилмасини инновацион ривожлантириш: республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. I қисм.-Гулистон: ГулДУ, 2015. 102-106-б.

9. Исмоилов О.Ш., Салохов Х.Х. Озиқ-овқат саноати корхоналари жойлашувининг муҳим омиллари // Профессор-ўқитувчилар, ёш олимлар, магистрантлар ҳамда иқтидорли талабаларнинг олий ўқув юртлараро илмий ишлар тўплами.-Т.: ТДТУ, 2012. 236-237-б.

10. Шафқаров Б. Узумчилик маҳсулотларини экспорт қилиш тизимини такомиллаштириш йўналишлари // Ўзбекистоннинг қишлоқ ҳудудларида ер ресурсларини рационал ва табиий такрор тикланиши иқтисодиёти масалалари: халқаро илмий-амалий семинар материаллари тўплами.-Т.: ТошДАУ, 2016. 131-134-б.

11. Эргашев Э.И., Муродова М.Ч. Боғдорчилик ва узумчилик маҳсулотларини сотиш тизимини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари // Ўзбекистонда иқтисодиётни модернизациялаш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш муаммолари: республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами.-Наманган: НамДУ, 2011. 134-137-б.

12. Рахмонов Д.Р., Ғаниев И.М. Халқаро озиқ-овқатлар бозори ҳолати ва Ўзбекистонда ғалла бозорини ривожлантириш хусусиятлари // Озиқ-овқат маҳсулотлари бозори ва унинг амал қилиш механизмининг такомиллаштириш: илмий-амалий конференция материаллари тўплами.- Наманган.: НамДУ, 2015. 263-269-б.